

1

## “ХАЗОРАСП ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИГИЛИШИННИНГ 1-СОН БАЁННОМАСИ

Хоразм вилояти, Хазорасп тумани,  
Н. Машарипов кўчаси, 2-уй.

2024 йил 24 июнь.

Умумий йигилишнинг ўтиш жойи: Хоразм вилояти, Хазорасп тумани, Н.Машарипов кўчаси, 2-уйда “Хазорасп пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: 10:00

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: 10:50

Акциядорлар умумий йигилиш бошланган вақт: 11:00

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 2 918 106.

“Хазорасп пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йигилиши (келгусида матн давомида - Йигилиш) жамият бош директорининг 2024 йил 27 майдаги 01/054-сон таклиф хати инобатга олиниб, кузатув кенгashi томонидан 2024 йил 31 майда қабул қилинган қарорга мувофик ўтказилмоқда.

Йигилишда иштирок этиш хукуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2024 йил 18 июнь.

Жамият кузатув кенгашининг аъзоси К. Хусаинова йигилиш раёсатини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йигилиш раёсатига қўйидагилар сайланди:

1. Исскандаров Махмудбай Қодирбердиевич – “Хоразмпахтасаноат худудий бирлашмаси” АЖ тугатиш комиссия раиси;
2. Хусаинова Кундузхон Равшонбековна–жамият кузатув кенгashi аъзоси;
3. Пирназаров Атаназар –жамият акциядори.

Йигилиш раёсати аъзоси А. Пирназаров малака ва тажрибага эга бўлган “Хоразмпахтасаноат худудий бирлашмаси” АЖ тугатиш комиссия раиси М.Искандаровни йигилишда раислик қилувчи этиб ва жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиги Хўжаниёзов Азамат Султонбоевични йигилиш котиби этиб сайлаш таклифини киритди.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йигилишда раислик қилувчи этиб М.Искандаров ва йигилиш котиби этиб А. Хўжаниёзов сайланди.

Йигилишни, йигилишда раислик қилувчи М.Искандаров очди ва акциядорлар ҳамда йигилиш қатнашчиларини қутлаб, йигилиш кворуми

бўйича ахборот бериш учун сўзни саноқ комиссияси аъзоси А.Хўжаниёзовга берди.

Саноқ комиссияси ахбороти:

“Қимматли қофозлар Марказий Депозитарийси” томонидан 2024 йил 18 июнъ ҳолатига шакллантирилган “Хазорасп пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 648 та акциядорга тегишли 2 918 106 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий микдорда 2 286 900 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 5 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 78,3 % ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) хисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

С. Аллаберганов-жамият бош директори;

М. Мадаминов-жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори ;

Б. Рахимов - МЧЖ “Audit Union” аудиторлик ташкилоти аудитори.

Йиғилишда раислик қилувчи М.Искандаров йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

#### КУН ТАРТИБИ:

1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2023 йил якуни ва бизнес-режаси кўрсаткичларини бажарилиши бўйича жамият ижроия органи раҳбарининг ҳисботини тасдиқлаш.
4. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиши.
5. Жамият кузатув кенгашининг 2023 йилдаги фаолияти бўйича ҳисботини эшитиш.
6. Жамиятнинг 2023 йил якунлари бўйича аудиторлик ташкилотларининг хулосаларини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.
8. 2024 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
9. Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
10. Жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп микдорини белгилаш.
11. Жамият ижро органи ходимларининг штатлар жадвалини тасдиқлаш.

12. Қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик (шу жумладан дивидендлардан) қарздорликларини хисобдан чиқаришни кўриб чиқиш ҳамда бухгалтерия ҳужжатларда тегишли ёзувларни киритиш.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

**Кун тартибидаги биринчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз берниш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгashi томонидан саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашинининг 2024 йил 31 майдаги йиғилиш қарорига кўра саноқ комиссияси таркибига жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи – А.Хўжаниёзов, бош хисобчи М.Мадаминов ҳамда иш ҳақи бўлимни хисобчиси – С. Абдурахманов номзодларини киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан саноқ комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз берниш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 2 286 900 та овоз билан 100,0 %;

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласди:

1. Уч кишидан иборат қуидаги таркибда саноқ комиссияси тасдиқланисни:

- 1) А.Хўжаниёзов;
- 2) М.Мадаминов;
- 3) С.Абдурахманов.

**Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттириди. Мазкур йиғилиш кун тартибida 12 та масала кўрсатилганлигини ва ҳар бир масала бўйича маърузачига - 5 (беш) дақиқадан, муҳокама учун 5 (беш) дақиқагача вақт ажратилиши мақсадга мувофик эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг йиллик умумий

Йиғилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз берниш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 2 286 900 та овоз билан 100,0 %;

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласди:

**1. Жамият акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.**

**Кун тартибидаги учинчн масала бўйича** жамият Боз директори С.Аллаберганов сўзга чиқиб, ижроия органи раҳбарининг 2023 йилдаги фаолияти ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ҳисобот берди (*ҳисобот илова қилинади*).

Ҳисоботда жамиятнинг ишлаб чиқариш, молиявий-хўжалик фаолияти ва бизнес-режа бажарилиши тўғрисидаги қўрсаткичлар ҳамда ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича амалга оширилган ишлар ўз аксини топган.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан жамият бош директорининг 2023 йилдаги фаолияти бўйича ҳисботи муҳокама қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар юзасидан бош директори С.Аллабергановга тегишли топшириклар берилди.

Йиғилишда раислик қилувчи, М.Искандаров акциядорлардан бош директорнинг 2023 йилдаги фаолиятига баҳо бериш ва унинг ҳисботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз берниш натижалари:**

“Ёқлаганлар” – 2 286 900 та овоз билан 100,0 %;

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласди:

**1. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2023 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин ва ҳисботи маълумот учун қабул қилинсан.**

**Кун тартибидаги тўртнинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи М.Искандаров сўзга чиқиб, жамият бош директори С.Аллаберганов ваколати

тугаганлиги, ва бош директори лавозимига номзод тайинлаш масаласини кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг, йигилиш қатнашчиларини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги 4633-сон қарори ижросини хамда “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш Лойиҳа оғиси топширикларини амалдаги қонунчилик талаблари бўйича хизмат вазифасини бажариб келаётганлигини инобатга олган ҳолда, “Хазорасп пахта тозалаш” АЖ Бош директори Аллаберганов Сарварбек Худойназарович билан тузилган меҳнат шартномасининг муддати жамият акциядорларининг 2024 йил якуни бўйича ўtkaziladigan nавbatdagi umumiy yigliishi gacha uzaytiрилиш taklifini bildirdi.

Мухокамадан кейин, кун тартибидаги тўртинчи масала овозга қўйилди.

Ушбу масала юзасидан овоз беринш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 2 286 900 та овоз билан 100,0 %;

“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши қарор қиласди:

1. “Хазорасп пахта тозалаш” АЖ Бош директори Аллаберганов Сарварбек Худойназарович билан тузилган меҳнат шартномасининг муддати жамият акциядорларининг 2024 йил якуни бўйича ўtkaziladigan nавbatdagi umumiy yigliishi gacha uzaytiрилсин.

2. Жамият номидан Бош директори Аллаберганов Сарварбек Худойназарович билан меҳнат шартномасини (шартноманин амал қилиш муддати – 2024 йил якуни бўйича ўtkaziladigan жамият акциядорларининг йиллик умумий йигилиши gacha) имзолаш ваколати Кузатув кенгаши раисига берилсин.

3. Жамият Бош директори С. Аллабергановга:

- ўз вазифаларини бажарпш даврида барча бирламчи ва банк хужжатларига биринчи имзо қўйиш хамда жамият Уставида белгиланган ваколат ва мажбуриятлардан конун доирасида фойдаланиш хуқуки берилсин;

- “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш Лойиҳа оғиси хамда “Хоразмпахтасаноат худудий бирлашмаси” АЖ томонидан бериладиган тавсияларни бажарнилиши белгиланган буйруқ ва топширикларни ўз вақтида кўриб чиқиш ва зарур ишларин амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича йигилишда раислик қилувчи М. Исқандаров жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси К.Хусаиновага сўз берди.

К.Хусаннова сўзга чиқиб, йигилиш қатнашчиларига қузатув кенгашининг 2023 йилдаги фаолияти бўйича хисоботини ўқиб эшилтирди (*хисобот илова қилинади*).

Хисоботга асосан қузатув кенгаши томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, ўтказилган йигилишлар ва йигилишларда қабул қилинган қарорлар ўз аксини топган.

Йигилишда раислик қилувчи М.Искандаров акциядорлардан жамият қузатув кенгашининг 2023 йилдаги фаолияти бўйича хисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз берниш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 2 286 900 та овоз билан 100,0 %;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши қарор қиласди:

**1. Жамият қузатув кенгашининг 2023 йилдаги фаолияти бўйича хисоботи маълумот учун қабул қилиниси.**

**Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича “Audit Union” МЧЖ аудиторлик ташкилоти аудитори Б. Рахимов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2023 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича 2024 йил 13 апрелдаги Миллий стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хуросаси билан йигилиш иштирокчиларини таништирди.**

“Audit Union” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг хуросасида “Хазорасп пахта тозалаш” АЖнинг 2023 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий хисоботи барча мухимлилк жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини хаққоний акс эттиради ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда Миллий стандартларига мувофиқ келади.

Йигилишда раислик қилувчи М. Искандаров акциядорлардан 2023 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича “Audit Union” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2024 йил 14 апрелдаги Миллий стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хуросасини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз берниш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 2 286 900 та овоз билан 100,0 %;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

**Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши қарор қиласи:**

1. "Audit Union" МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2024 йил 14 апрелдаги Миллий стандартларига мувофиқ берилган аудиторлик текшируви холосаси тасдиқлансни.

**Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори М.Мадаминовга сўз берилди ва у йигилиш иштирокчилари эътиборига жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи билан йигилиш катнашчиларини таништирди (йиллик ҳисобот шова қилинади).**

Йигилиш раиси М.Искандаров акциядорлардан жамиятнинг 2023 йиллик бухгалтерия баланси, молиявий итижаларини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш итижалари:**

**“Ёклаганилар” – 2 286 900 та овоз билан 100,0 %;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

**Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши қарор қиласи:**

1. Жамиятнинг 2023 йиллик бухгалтерия баланси ҳамда молиявий итижалари кониқарли деб топилсанни ва ҳисботлари маълумот учун қабул қилинсиз.

**Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори М.Мадаминовга сўз берилди ва у йигилиш иштирокчилари эътиборига жамиятнинг 2024 йил учун мўлжалланган бизнес-режаси билан йигилиш катнашчиларини таништирди (бизнес-режса шова қилинади).**

Йигилиш раиси М.Искандаров акциядорлардан жамиятнинг 2024 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш итижалари:**

**“Ёклаганилар” – 2 286 900 та овоз билан 100,0 %;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

**Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши қарор қиласи:**

**1. Жамиятнинг 2024 йил учуни мўлжалланган бизнес-режасини  
1-иловага мувофиқ тасдиқланисини.**

**Кун тартибидаги тўккизинчи масала бўйича** йигилишда раислик килувчи М.Искандаров сўзни жамиятнинг бош директори С.Аллабергановга берди.

С.Аллаберганов йигилиш иштирокчиларини кун тартибидаги масала бўйича ижроия органининг ва жамият кузатув кенгашининг таклифи билан танишитирди.

Бугунги кунда жамиятнинг устав фонди 3 446 283 186 сўмни ташкил этади.

Жамият Уставига асосан жамиятнинг захира фонди жамият устав капиталининг 15 фоиз – 516 942 477,9 сўм микдорида тузилади ва 2024 йил 01 июнь ҳолатига захира фонди 1 175 525 908 сўм, яъни устав капиталнинг 34,10 фоизини ташкил этади.

Жамият акциядорларининг 2023 йиллик умумий йигилиш қарорига асосан, 2022 йил соф фойдасидан 7 434 107 973 сўм тақсимланмасдан жамғарилган фойда таркибида қолдирилган ҳамда мазкур 7 434 107 973 сўм маблағ жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича соф фойда тақсимотида инобатга олиш бўйича қарор қабул қилинган.

Жамият томонидан 2023 йил якуни бўйича 570 079 122 сўм зарар билан якупланган бўлиб, шундан:

2022 йил соф фойдасидан тақсимланмасдан жамғарилган фойда таркибида қолдирилган 7 434 107 973 сўм соф фойдани қўйидагича тақсимлаш тавсия этилади.

Тақсимланмасдан жамғарилган фойда таркибида қолдирилган маблағ 7 434 107 973 сўмнинг 570 079 122 сўм қисми 2023 йил якуни бўйича зарарни тўлиқ қоплашга:

- соф фойданинг қолған 6 864 028 851 сўмининг 29,16 фоизи яъни 2 001 820 716 сўм (дивиденд солиги билан бирга)ни дивиденд микдорида акциядорлар ўртасида тақсимлашга йўналтирилсин;

- соф фойданинг 137 280 577 сўмни Кузатув кенгashi аъзолари ҳамда ижроия органи аъзоларини рағбатлантириш учун йўналтирилсин;

- соф фойданинг 68,84 фоизи яъни 4 724 927 558 сўм тақсимланмасдан жамғарилган фойда таркибида қолдирилсин ҳамда мазкур 4 724 927 558 сўм маблағ жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича соф фойда тақсимотида инобатга олиш тавсия этилган.

Муҳокамадан сўнг йигилишида раислик қилувчи М.Искандаров акциядорлардан кун тартибидаги масала бўйича берилган таклифга ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масяла юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 2 286 900 та овоз билан 100,0 %;**

## **“Каршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши қарор қиласди:

**1. Жамият томонидан 2022 йил соф фойдасидан тақсимлаимасдан жамгарилган фойда таркибида қолдирилган 7 434 107 973 сўм соф фойдани қўйидагича тақсимлаш тавсия этилади.**

- Тақсимлаимасдан жамгарилган фойда таркибида қолдирилган маблағ 7 434 107 973 сўмининг 570 079 122 сўм қисем 2023 йил якуни бўйича зарарни тўлиқ қоплашига:

-соф фойданинг қолган 6 864 028 851 сўмининг 29,16 фоизи яъни 2 001 820 716 сўм (дивиденд солиги билан бирга)ни дивиденд миқдорида акциядорлар ўртасида тақсимлашга йўналтирилсин;

- соф фойданинг 137 280 577 сўмин Кузатув кенгаши аъзолари ҳамда ижроия органи аъзоларини рагбатлантириши учун йўналтирилсин;

- соф фойданинг 68,84 фоизи яъни 4 724 927 558 сўм тақсимлаимасдан жамгарилган фойда таркибида қолдирилсин ҳамда мазкур 4 724 927 558 сўм маблағ жамиятнинг 2024 йил якуни бўйича соф фойда тақсимотида инобатга олиш тавсия этилган.

**2. Дивидендлар мазкур йигилиш қарори қабул қилинган кундан эътиборан олтминиш кун ичидаги тўланисини.**

- дивидендларни тўлашни бошлаш санаси: 24 июнь 2024 йил.

- дивидендларни тўлашни тугатниш санаси: 23 август 2024 йил.

**3. Дивидендлар белгиланган тартибда ва юқорида кўрсатилган муддатларда акциядорларнинг банкдаги хисоб рақамларига пул маблагларини ўtkазиши йўли орқали амалга оширилсин.**

**Кун тартибидаги ўшичини масала бўйича** жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори М.Мадаминов сўзга чиқиб, жамиятда 2024 йил якуни бўйича аудиторлик текширувани ўтказиши учун аудиторлик ташкилотларидан жамиятга келиб тушган қўйидаги тижорат таклифлари билан йигилиш қатнашчиларини таништириди:

т/р	Аудиторлик ташкилотининг номи	Мурожаат санаси на рахамат	Миллий аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви, минг сўмда
1	MCHJ "AUDIT UNION" AT	24.04.2024 йил №1/6	6 000,0
2	MCHJ "GREAT FOURLS"	16.04.2024 йил №81/2	6 200,0

Мухокама давомида жамият акциядори А.Пирназаров жамиятга келиб тушган тижорат таклифларни инобатга олган холда, ташки аудиторлик текширувани ўтказиши учун аудиторлик ташкилотлари орасидан малакали мутахассисларга ҳамда энг қулай нархларга эга бўлган аудиторлик ташкилотини ташлаш зарурлигини билдириди.

Ўзбекистон Республикаси “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Конунининг 34-моддасига асосан аудиторлик ташкилоти айнан бир хўжалик

юритувчи субъектнинг фаолиятини кетма-кет етти йилдан ортиқ аудиторлик текширувидан ўтказишга ҳакли эмас. Юкорида кўрсатилган 2 та аудиторлик такшилотлари кетма-кет етти йилдан ортиқ жамиятни аудиторлик текширувидан ўтказмаган.

Бундан сўнг, йигилишда раислик қилувчи М.Искандаров акциядорлардан 2024 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 2 286 900 та овоз билан 100,0 %;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши қарор қиласди:

**1. 2024 йил якуни бўйича аудиторлик текширувани:**

-Аудиторлик текширувани ўтказиш учун “Audit Union” МЧЖ АТ аудиторлик ташкилоти танлансин ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг миқдори – 6 000,0 минг сўм белгилансин;

**2. Жамият ижроия органи раҳбарига:**

-юкорида кўрсатилган аудиторлик ташкилоти билан белгиланган тартибда шартномаларни тузсин;

-конунчиликда белгиланган муддатларда жамият акциядорларнинг умумий йигилиши ва кузатув кенгашинга аудиторлик текшируви натижалари бўйича ҳисобот ҳамда хуносаларни киритсин.

**Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича** жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори М.Мадаминов сўзга чиқиб, жамиятнинг ижро органи ходимларининг штатлар жадвали билан йигилиш қатнашчиларни таништирди.

Янги ижро органи ходимларининг штатлар жадвали Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг классификаторига асосан ишлаб чиқилганлигини маълум қилинди.

Бундан сўнг, йигилишда раислик қилувчи М.Искандаров акциядорлардан жамиятнинг ижро органи ходимларининг штатлар жадвалини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 2 286 900 та овоз билан 100,0 %;**

**“Қаршилар”- йүқ; “Бетарафлар”- йүқ.**

Нотұғри тұлдирилган бюллетенлар йүқ.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бүйича акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши қарор қиласы:

**Жамиятнинг ижро органдың ходимларининг штатлар жадвалини 2-иловага мувофиқ тасдиқлансун.**

**Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бүйича** йигилишда раислик қилувчи М.Искандаров сўзни жамият молиявий масалалар бүйича директори М.Мадаминовга берди.

М.Мадаминов сўзга чиқиб, жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари таҳлилини ўтказиш мақсадида Баш директор бошчилигиде ишчи-гурухи тузилган ва мазкур ишчи-гурухининг холосасига асосан 2024 йил 01 июнь ҳолатига қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг 64 798 324,48 сўмлик дебиторлик ҳамда 45 748 328,80 сўмлик кредиторлик қарздорликлари мавжудлиги ҳақида маълумот берди (*хулоса илова қилинади*).

Муҳокамада йигилишда раислик қилувчи М.Искандаров ушбу қарздорликларни ҳисобдан чиқаришни ва бухгалтерия хужжатларига тегишли ёзувларни киритишни таклиф этди.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала юзасидан йигилишда раислик қилувчи М.Искандаров акциядорларга ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 2 286 900 та овоз билан 100,0 %;**

**“Қаршилар”- йүқ; “Бетарафлар”- йүқ.**

Нотұғри тұлдирилган бюллетенлар йүқ.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бүйича акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши қарор қиласы:

**1. Жамиятнинг қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг дебиторлик қарздорликлари 3-иловадаги рўйхатга мувофиқ ҳисобдан чиқарилсин ҳамда бухгалтерия хужжатларига тегишли ёзувлар киритилсин.**

Акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йигилишда раислик қилувчи М.Искандаров акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йигилишни ёпиқ деб эълон қилди.

**Йигилишда раислик қилувчи:**  **M. Искандаров**

**Йигилиш котиби:**  **A. Хўжаниёзов**

Йигилиш баённомаси 2024 йил “28” июнь куни иккى нусхада тузилди.